



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“ 13 ” август 2021 й. № 01-06/3868

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгалари,
реклама агентликлари, туризм
операторлари ва агентлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан реклама ахборотларини тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда туризм бозори ривожланиб борган сари, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифати ҳамда хизматларнинг хилма-хил янги турлари кенгайиб бормоқда, бу эса, истеъмолчига ўз хоҳиши ва эҳтиёжларига қараб туристик хизматларни танлаши имконини яратади.

Хусусан, оммавий ахборот воситаларида, ташқи реклама объектларида (конструкцияларида), интернет ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган туристик йўналишлар (туристик пакет) реклама ахборотларида **“барчаси киритилган” (всё включено)** тизими бўйича овқатланиш (нонушта, тушлик, кечки овқат турини эҳтиёжларига яраша эркин танлаш орқали истеъмол қилиш) хизматлар кўрсатилиши акс эттирилган бўлсада, аслида эса, фақат эрталабки нонушта назарда тутилганлиги маълум бўлмоқда.

Бунда, реклама ахборотларида туристик хизматлар (туристик пакет) тўғрисида аниқ, тўғри ва тушунарли бўлган маълумотларни тақдим этилмаслиги/яшириб кетиши натижасида истеъмолчиларни товар (иш, хизмат) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга доир ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин.

Дарҳақиқат, бу ҳолатга аниқлик киритилишидан рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиш мумкин бўлган ҳолатларни олдини олишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик,

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: JU26336003

ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик тамойилларига қатъий амал қилишлари, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ва энг асосийси истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмаслик сўралади.

Директор



Э.Хаитметов

*Ижр: С. Жўраев,
тел: 71/207-46-00 (319)*